



ОЙСУЛУВ

Айтувчи: ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ўғли,
Езиз олиб нашрга тайёрловчи: ҲОДИ
ЗАРИФ.

Эрон билан Турон подшолари қадимдан бир-бири билан тараф экан. Гўрўғлининг ҳам Эрон подшолари билан тараф бўлгани қадимдан мерос экан. У замонларда Эронда Доро деган подшо бўлар экан. Доро Турон мамлакатига ёвлаб келиб, элни талаб, тоғда, яйловда қўниб ётган элга ташвиш солиб, одамларни уй-ўтови билан, сури-галаси билан, эчки-такаси билан, қўзи-қўчкори билан — жами давлати билан ўлжа олиб, Эронга ҳайдаб кетар экан. Турон подшоси хабар топганда, ортидан қувиб бориб, гоҳ чўлда, гоҳ тоғда уруш қилиб енгса, боранағи элни ҳайдаган моли билан олиб қолар экан; енгилса, Доронинг аскарлари Эронга ҳайдаб кетар экан. Одамларни қул қилиб сотар экан, ўлжа молларни амал-амалига қараб бўлиб олар экан.

Турон мамлакатида Ойсулув деган олп бир хотин подшолик қиласар экан, кўп сулув аёл экан. Бунинг сулувлигига Ирам боғ париларининг ҳам рашки келар экан. Ойсулувнинг олп бир ўғли бор экан, отини Кунботир дер экан. Ойсулув подшонинг лашкарбошиси ўзининг ўғли Кунботир экан.

Эрон подшоси Доронинг лашкарига Паҳлавон Қайсар деган лашкарбоши экан, унинг ҳам Офтоб пари деган бўй етган бир қизи бор экан.

Кунлардан бир кун Паҳлавон Қайсар Турон мамлакатидан ҳайдаб борган одамлардан Ойсулувнинг таърифини эшишиб, гойибдан ошиқ бўлиб, лашкарбошиликни ҳам қўйиб, Ойсулувнинг ишқида куйиб, овга қарамади, ёвга ҳам қарамади.

Кунботир Эронда неча шаҳар, қишлоқларни неча марта босиб, девсифат полвонларни йиқиб, ўлжага ботиб кела берди, бунга ҳеч ким баробар бўлолмади. Ойсулувнинг ўғли — Кунботирнинг овозаси Турон билан Эронга кетди, бу гаплар Доро подшога етди. Доронинг қаҳри келиб, илондай заҳри келиб, лашкарбоши — Паҳлавон Қайсарни чақириб мухурдор, туғдор, жами амалдорини йиғиб айтди:

— Эй Паҳлавон Қайсар! Сен ўзинг полвон, эгнингда карк тери қалқон, белингда кескир исфиҳон, сенинг қўлингдадир мамлакати Эрон, биз билан қаттиқ тараф бўлипти мамлакати Турон. Бизга қараган чет-чет шаҳар, қишлоқларни Ойсулувнинг лашкари босган эмиш, молу дунёсини ўлжа олган эмиш, кўп ерларни Ойсулув подшога тобе қилган эмиш. Паҳлавон Қайсар! Сенинг юрагинг ёрилиб, қўрқиб қолганга ўхшайсан. Мен ўзим лашкар тортиб борайин, Туронни жовлик олайн, Ойсулувни ўлдириб, Кунботирни асир қилайин, ҳайдаб келиб, умрини зинданда ўтказайин. Шунга нима дейсизлар?

Паҳлавон Қайсар Доро подшонинг «Ойсулувни ўлдираман» деганини эшитиб: «Бу иш подшомизнинг қўлидан келади, Туронга ўзи лашкар тортиб борса, Ойсулувни тайин ўлдиради, сўнг менинг дардим зиёда бўлиб, қаландар бўлиб кетаман, бунга бир илож қилайин», — деб ўрнидан туриб, қўл қовуштириб, дасти алифлом қилиб, Дорога қараб айтди:

— Эй подшойи олам! Сен кўп хафа бўлма, кўкайингни кесма. Мен билмай қолдим, бу гуноҳ мендан ўтди. Менинг гуноҳимни кечирсанг, бу ишни ҳали ҳам менинг ўзимга топширасанг. Мен ўзим лашкар тортиб борсам, Ойсулув билан Кунботирни бошига кўрмаган кунларни солсам, Турон мамлакатини сенга тобе қилиб, Ойсулувнинг хазина-дафинасини Кунботир лашкарбоши ўғли билан ўлжа олиб, қайтиб келиб сенга тутсам.

Доронинг олдида ҳозир турган жами амалдорлари, уламо, акобирлари Паҳлавон Қайсарнинг маслаҳатини маъқул топти, баричувлаб: — Подшойим, маслаҳат шул, — деди. Дорога бу гап маъқул тушиб, Паҳлавон Қайсарга қараб айтди:

— Ҳў... лашкарбоши Паҳлавон Қайсар! Сен ўзинг талаб қилдинг, бу оғир ишни ўзим бошлийман, дединг, бу ишни сенга топширедим. Озиқ-овқатни фамлаб, лашкарингни созлаб, юриши қил, ой бориб, омон кел, — деб офтобга сажда қилиб, тана пайғамбарлардан мадад тилаб: — Юришинг беҳатар бўлсин, зафарни сенга берсин, — деб фотиҳа қилди.

Паҳлавон Қайсар Дородан фотиҳани олиб, Туронга от-

лаимоқчи бўлиб, чиқиб кетди. Жами қўшинига: «Туронга ёвлаб борамиз, олти ой йўл юрамиз, озиқ-овқатини, ёв-яроғини фамласин», — деб хабар юборди.

Кун кеч бўлди, қайтиб ўзининг ўрдасига бордӣ, ётиб уйқуси келмади. Ётиб ўйлади: «Бормайин деса, Доро подшога мен ўзим бораман, деб ваъда берган; бормаса, подшо ўлдиради; борайин деса, Ойсулувни яхши кўради, устига кўнгилсиз бўлади; балки сенга тегаман, деб алдаб ўлдириб қўяди». Оқшоми билан хаёли қочиб, нима қиларини билмай, гоҳ ўёққа, гоҳ буёққа ағдарилиб ётди, эрта-мертан тонг отди.

Тонг отган сўнг қирқта айёр билан маstonни йиғдириб келди. Бир уйни холи қилиб, булар билан маслаҳат қилди. Маstonларнинг ичидаги уч юз олтмишга кирган, Даққиёнус кўрган, шайтонга неча сафар фириб берган бир кўса бор эди, жами айёрнинг кекса — қартайгани ҳам шу кўса эди. Кўса туриб айтди:

— Бу кўп оғир, мушкил иш. Мени десангиз маслаҳат шул: Доро подшонинг Ирамбоғдан парилар мамлакатидан келтирган париларидан қирқта парини, қирқта маston, қирқта айёрни менга қўшасиз, таги тўрт юз одамни — шакаман мерганни сайлаб, шайлаб, устидан икки-уч қабат чонни кийгизиб, буларни ҳам менга ияртиб берасиз. Асқартогининг горига кўхна шароблардан, жами ноз-неъмат таомлардан фамлаб қўясиз. Мен париларга, маstonларга, мерганларга бош бўлиб, бундан жўнайман, қирқ кундан кейин сиз ҳам лашкарни олиб қўшин тортасиз. Мен Асқартогининг горига бориб, Кунботирнинг қўшинини ангиб ётаман. Бир-икки босиб келган одам таги келар. Шунда Кунботирнинг олдига пешвоз чиқиб: «Дод, Доро билан Паҳлавон Қайсарнинг дастидан, минг дод», — деб ўйглайман, алдаб қирқ йигити билан форга олиб кираман, меҳмон қилиб, кўхна араққа тўйдираман, мастр бўлиб йиқилгандан кейин, қолган арақни оғзи билан бурнидан қўйиб тўлдираман. Шунда сиз ётиб борасиз. Кунботирни қирқ йигити билан асир қилиб оласиз, олиб келиб зинданга соласиз. Ундан кейин Ойсулув подшога хат ёзасиз: «Агар таслим бўлсанг, Кунботирни зиндан чиқариб бераман, бўлмаса зинданда чиритиб юбораман, устингга ёвлаб бориб, эл-юртингни чопиб, ўзингни банди қиламан», — дейсиз. Подшо бўлса ҳам аёл одам-да, Кунботир бўлмаган сўнг лашкари бебош қолиб, у ҳам сизнинг айтганингизни қилади-да, — деди.

Бу маслаҳат Паҳлавон Қайсарга маъқул тушиб, кўсага боши-оёқ сарпо, бўйи баравар зар берди, айтганини ҳозир

Қілди. Қирқ ҳачирга күхна арақ, қирқ ҳачирга саримой билан қаймоқ, түрт юз нор туяга озиқ-овқат юклаб, Асқартоққа жүнатди. Буларни жүнатиб, пари-пайконларини, ай-әр-мастонларини, катта-кичик мерғанларини ияртиб, Құса ҳам Асқартоғига қараб йўл тортиб кетди. Паҳлавон Қайсар қирқ кунгача керакли нарсаларини жамлаб, ёв-яроғини ғамлаб, қирқ кундан кейин қирқ лақ аскарини олиб, карнай-сурнай чалдириб бу ҳам жўнаб кетди. Энди гапни бошқа ёқдан эшигининг.

Кунботир лашкарининг ярмини олиб, ярмига дам бериб, озиқ-овқатини ортиб, уч ой йўл юриб, Тажан дарёсидан ўтиб, Асқартоғига яқин етиб: «Энди беш-үн кун дамимизни олайик, сўнг Асқартоғини ошайик», — деб бари отдан тушиб, дамини олиб ётди. Орадан уч-тўрт кун ўтди. Кунботир қирқ йигитини олиб, Асқартоғига овга чиқиб кетди. Ов овлаб юриб, Кунботир бир такани отди. Така оқсаганча қочиб, бир дара билан энкайиб, тоғининг Эрон томон ошувига тушиб кетди. Кунботир унинг орқасидан қирқ йигити билан из қувиб кетди. Ярадор тaka дарадан-дарага ўтиб, йўл ридастириб, бузуқ ерга уриб кетди. Кунботир қорасини ҳам кўрмай, такасини ахтариб, тоғнинг устига тушиб қолди.

Буларни ангиб юрган мастонлар бориб, Қўсага хабар бердилар. Қўса фордан чиқиб, ҳамроҳларини ияртиб, Кунботир билан қирқ йигитининг олдига пешвоз чиқди. Бари қўи қовуштириб, дасти алифлом қилиб, гарданини ҳам қилиб, салом бериб турди. Кунботир сўради:

— Сизлар ким бўласизлар, қаердан келасизлар, қаерга борасизлар, бу даштда нима қилиб юрибсизлар?

Шунда айёр Қўса, бу савол сўраб турганнинг Кунботир эканини билиб: — Дод, Доро билан Паҳлавон Қайсарнинг дастидан, ўлмасак ҳам ўлгандан баттар бўлдик. Дод, минг дод, — деб йиғлай берди. Қўсанинг орқасидан мастонлар, айёлар, парилар, 400 мерган, бари бирдан «дод» дебчувлаб йиғлай берди. Кунботир булардан: — Нимага баринг бундай бўзлаб йиғлайсизлар? Доронинг қандай зулми ўтди сизларга? — деб сўради. Шунда айёр Қўса Кунботир отининг оёғига бош уриб, йиғлаб айтди:

— Доро подшо элни хароб қилди, эртадан оқшомгача базм-суҳбат билан овора. Кунда бир уйланади. Кимнинг сулув қизи бўлса Паҳлавон Қайсарга буюради, у ўзи келиб, одамларнинг қизини зўрлик билан тортиб олиб кетади, Дорога тортиқ қиласиди. Доро оқшом у қиз билан ётиб эртагиси Паҳлавон Қайсарга чиқаради. Бу ҳам бир оқшом хотин қилиб, таги бир амалдорга беради, амалдор ҳам бир ой, икки ойдан сўнг бу шўрликни бир аскарга хотин қилиб бе-

ради. Мастонлар уйма-уй юриб, мана бу қирқ қизни ҳам хатга оғлан эди. Мана бу қирқ аёл бу қизларнинг энаси, маца булар отаси бўлади. Орқада турган түрт юз одам қизини подшо олиб қўйган шўрлилар. Ахири «дод» деб: «бу мамлакатда шуйтиб азоб кўргандан, чўлда улоқиб ўлсак ҳам, Ойсулув подшога борамиз; остонасига бошимизни урамиз, Ойсулув подшога қул бўлиб ишласак ҳам, шу азобдан қутуламиз» деб бораётимиз,— деди.

Кунботир айтди:

— Йиғламангизлар, мана мен Ойсулув подшонинг ўғли Кунботир бўламан. Доронинг таҳтини ийқиб, ўзини банди қилиб, зинданга солсам керак. Сизларга беш-үн отли қўшайин, энамга тайинлаб юборайин, сизларга яхши жойлардан берсинг, мусоғир деб хафа қилмасин,— деди.

Айёр Қўса таги йиғлаб: — Шуйting, тўрам, Доро ӯлсин, элу ҳалқ қутулсан, — деб тулкиликини бошлади: — Кунботир ўғлим! Қўп ҷарчаб келгансиз, отдан тўшсангиз, биз неча кундан бери мана бу форни макон қилиб ётибмиз. Йигитларингизни ҳам олиб, бизнинг маконга борсангиз, янгитта бир оғифидан ўқ еб, ҳолдан кетиб, ийқилиб қолган катта бир такани ушлаб олган эдик, сизни кўриб, пешвоз чиқиб келиб эдик, шуни сўйиб, сизни меҳмон қилсан, сўнг сизни Эронга жўнатиб, ўзимиз энангиз Ойсулув подшога қараб йўл олсан. Сизнинг ҳам соғ-саломат хабарингизни энангизга етказиб, дуо қилиб, Доро подшога ўлим тилаб, сизга зафар тилаб ётсан,— деди.

Кунботир айёрнинг шумлигини билмади, кўнглида:

«Ўзим отган тaka ҳали ҳам ўзимга насиб қилган экан, борсам борайин, бир оз дамимни олайн, бу одамлардан гап сўраб, Доро билан Паҳлавон Қайсарнинг ҳам сирини билайн», — деб қирқ йигит билан отдан тушиб, форга кириб кетди. Қараса: бир катта фор, катталиги подшонинг ўрда-сича бор. Сувлар сепилган, тўшакчалар тўшалган, дастурхонлар солинган, ноз-неъматлар уюлган, шароблар тўкилган.

Айёр Қўса Кунботир билан қирқ йигитни меҳмон қила берди, қирқ паризод бир-бир алёр айтиб, коса сузуб бера берди, булар бирин-кетин маст бўлиб ётиб қолди. Кунботир боши айланса ҳам сир бермай, парилар билан ҳангама қилиб, ўлтириб эди, такани кавоб қилиб, ўртага олиб келиб қўйди. Кунботир ейберди, парилар ҳали ҳам кўхна шаробни косаларга тўлдириб қуяберди, юз нози билан, ширин сўзи билан алёр, деб Кунботирга босиб узата берди, у ҳам олиб ича берди. Шундай қилиб, Кунботирнинг ҳам боши гангиг бу ҳам йиқилиб, ухлаб қолди. Буни кўриб, мастонларнинг

Бари йигилиб келиб, Кунботир билан қирқ йигитнинг оғзидан, бурнидан тағи қуиди. Ағдариб, думалатиб кўрди, ҳеч қайсиси ҳеч нарса билмади. Барининг яроғ аслаҳасини олиб, қирқ айёрга берди. Айёр Кўса Кунботирнинг тулпорини минди. Қирқ айёр йигитларнинг отига минди; тўрт юз мерганга: «Сизлар бу бандилардан хабардор бўлинглар, гордан чиқарманглар»,— деб отларини чопиб, жўнаб кетди. Шу куни оқшоми билан от чопиб, йўл тортиб борди, сўнгги кун тонготарда мўр-малаҳдай оламни босиб келаётган лашкарни кўрди, отнинг бошини тортиб, қараб турди. Келаётган лашкар Паҳлавон Қайсарнинг қўшини эди. Қўшин яқинлаб келган сўнг, айёр Кўса қирқ айёри билан пешвоз чиқиб, Паҳлавон Қайсарга айтди:

— Кунботирнинг ёв-яроғини, тулпор отини, қирқ йигитнинг ҳам ёв-яроғи билан минадиган отини ўлжа олдим, ўзини банди қилдим, бари Асқартоғнинг горида маст бўлиб ухлаб ётипти, лашкари тогнинг нариги ошувида қўниб ётган эмиш. Ҳайдаб борсангиз, оқшом етасиз, Кунботирни банди қилиб боғлаб оласиз, ундан кейин муродингизга етасиз. Бизнинг хизматимиз шу бўлди,— деди.

Паҳлавон Қайсарнинг димоги чоғ бўлиб айтди:

— Эса, сен бу ўлжаларни олиб Доро подшога бор, ўлжаларни унга бер, бўлган воқеани айт. Сизларга ҳар ҳима берса берар, мен қайтган сўнг бир шаҳарнинг хирожини сизларга бўлиб бераман,— деб отни қувиб, йўл тортиб кетди. Оқшом Асқартоғига етиб келди. Кунботир билан қирқ йигитни банди қилиб, боғлаб олди, ҳар қайсисининг устидан неча меш сувни қўйди.

Эрта-мертан бари ҳушига келиб қараса, қирқ бири ҳам банди бўлипти. Кунботирнинг тепасида Паҳлавон Қайсар ўзини мақтаб, Кунботирни сўкиб турипти.

Кунботир айтди:

— Қайсар! Сен ҳийла билан банди қилиб, тағи ўзингни ботир дейсан-да! Менинг қўлимда ёв-яроғим, остимда отим бўлганда майдонда йўлиқсанг, ботирлигингни шунда кўрар ҳидимда. Сенга банди бўлдим, қўлингдан келганини аяма!

Паҳлавон Қайсар буларни гордан чиқарди, тўрт юз шакаман мерганга:— Эҳтиёт бўл, ҳеч ерга қочирма!— деб тайинлаб, ўзи отига миниб, лашкарига бош бўлиб, карнай-сурнай тортиб, тоқقا ўрлай берди.

Кунботир билан қирқ йигитнинг «овга борамиз», деб дараксиз кетганига хавотир бўлиб, бир неча амалдор буларни ахтариб, тоқقا чиқсан эди. Тоқقا ўрлаб қелаётган мўри-малаҳдай лашкарни кўриб, кайфи учиб, қони қочиб, отнинг бошини буриб, лашкарга етиб борди, кўрган сирини

айтди. Лашкарнинг ичидаги катта-катталари бари йигилиб қилди маслаҳатди. Бир хили айтди: «Кунботир билан қирқ йигит тайин банди бўлган. Энди биз бу келган қўшин билан урушиб, обрў тополмасмиз, Кунботирни душмандан айриб ололмасмиз, элга омон-эсон етолмасмиз, урушмайлик, урушиб ағбор бўлмайлик. Ойсулувнинг қошига борайик, бўлган воқеани айтайик». Бир хили айтди: «Урушмай қочган билан душман сени қўймас, орtingдан қувиб, сенга омон бермас, барингни ўлдирмай қайтмас, қочиб, қутулиб кетганингда ҳам, Ойсулувнинг қошида юзинг ёруғ бўлмас. Тикилган шу балога қайтмай борамиз, ўлсак шу урушда ўламиз, қолсак, ўлдириб биз ҳам оз-кўп ўлжа олиб қайтамиз»,— деди.

Булар шу маслаҳатда эди. Паҳлавон Қайсар Асқартоғнинг белидан ошиб, лашкари билағ кўриниб қолди. Бу лашкарни кўргандан Кунботирнинг лашкари ҳам отланиб урушга тайёр бўлди. Шу куни оқшомгача Асқартоғнинг остида уруш бўлди. Кун ботгандан кейин Паҳлавон Қайсар қўшиннинг олди-ортини йигиб, тоққа чиқиб кетди. Оқшом ётди, эрта-мертан тонг отди. Паҳлавон Қайсар тағи тоғдан тушди. Бу куни оқшомгача уруш бўлди. Қанча одамни банди қилиб олди. Кунботирнинг қўшини енгилиб қочди, қочганини қувиб кетидан тушди. Шу қувганча Тажан дарёсига қадар қувиб келди, етганининг бир хилини ўлдириб, бир хилини банди қилиб олди. Тажандан ўтиб қочиб қолгани қутулиб кетди.

Паҳлавон Қайсар қўшиннинг олди-ортини йигиб, Асқартоғдан ошиб пастга эниб келди. Ўлжаларини отларига ортиб, Кунботир билан қирқ йигитни, қанча банди аскарни ҳайдаб, Эронга қайтди. Неча кун, неча тун йўл юриб, чарчаган ерида қўниб, уч ой деганда шаҳарига етиб борди. Доро подшога кўриниш берди. Доро подшо Кунботирни зинданга солди, қирқ йигитни дорга осди, қолган бандиларни қул қилиб, ярмини Паҳлавон Қайсарга, қолганини урушга борган амалдорга бўлиб берди.

Доро подшо Паҳлавон Қайсарни чақириб айтди:— Эй Паҳлавон лашкарбоши! Сен менинг кўнглимдаги ишни қилдинг, лекин ҳали сенга катта хизмат бор. Туронгага бориб, Ойсулув подшони ўлдириб, Турон мамлакатини Эронга тобе қилиб келсанг, Туронга сени подшо қиламан, уруш-анжомингни, ёв-яроғингни тайёрлайбер,— деб жавоб берди.

Паҳлавон Қайсар айёр Кўсанинг маслаҳати билан бир хат ёздириб, Доро подшо билан ўзининг муҳрини босиб, Туронга Ойсулув подшога ўн одамни элчи қилиб, ҳатни жўнатди.

Ойсулув подшо Паҳлавон Қайсарадан қочиб, Тажан дар-
еңидан ўтиб, омон-эсон юртига етиб келган одамларидан
Турон элиниң тұраси, ёлғиз боласи, күзининг оқи билан
қораси — лашкарбоши Кунботирнинг қирқ йигити билан
Қайсарага банди бўлиб кетганини, Аққартоғда уруш бўлиб,
қўшиннинг ҳам қанчаси Доро подшога ўлжа бўлганини
эшитиб, гоҳ хафа бўлиб, гоҳ аччиғи келиб, олп эмасми;
полвонлик томирлари қўзғалиб, аскарни, ёв-яроғ, анжом-
асбобини ғамлаб, Доро подшо билан, Паҳлавон Қайса-
р билан урушмоқчи бўлиб, ўзи лашкарга бош бўлиб, тарад-
дуд қилиб туриб эди.

Бир кунлари Паҳлавон Қайсарагининг элчи қилиб юборган
үн одами от чопиб етиб келди. Маҳрамлар Ойсулувга хабар
берди: «Эрондан ўн отли келди. Доро подшонинг элчиси
эмиси, қўлида номаси ҳам бор»,— деди. Ойсулув подшо
айтди:

— Элчи бўлса, элчига ўлим йўқ — отдан тушсин, дарво-
зада дамини олсин, номасини сизлардан бериб юборсин.

Бир маҳрам чиқиб, элчилардан номани олиб келди,
Ойсулувга берди. Ойсулув ўқиб кўрса, хатда айтипти: «Ту-
рон Эронга тобе бўлсин, Ойсулув подшо бизга бўйсунсан.
Агар бизнинг сўзимизни қулоққа олмаса, зинданда ётган
ўғлини ўлдирамиз, лашкар билан устига ёвлаб борамиз.
Ойсулув подшони баҳди қилиб, жами эли-халқини талаб,
мол мулкини ўлжа қилиб, одамларини қул қилиб Эронга
ҳайдаймиз»,— дебди. Доро билан Паҳлавон Қайса-
рини босипти. Номанинг бир четида тағи шундай ёзипти:
«Агар Ойсулув подшо урушмасдан мамлакатни берса, ўзи
менга тегса, зинданда ётган ўғлини чиқариб бераман, ҳам
ӯзи, ҳам ўғли ўлимдан омон қолади».

Бунга Паҳлавон Қайса-
р бир ўзи муҳрини босибди.

Бу хатни ўқиб, Ойсулув подшонинг жуда аччиғи ке-
либ:— Чақир элчиларни,— деди. Маҳрамлар бориб элчи-
ларни саройга олиб келди. Ойсулув элчиларга айтди:

— Сизлар элчи экансизлар, элчи бўлмаганларингда, ба-
рингни ўлдириб, каллаларингни бир қопга солиб, Доро
подшога совға-салом қилиб юборар эдим. Сизларга жавоб;
бориб, Доро билан Қайсарага айтинглар: Подшоларинг
қўлидан келганини қўлсан! Бор лашкари билан, қўру қўр-
хонаси билан урушга отлансан. Мен тараддуд қилиб туриб-
ман, босиб бораман. Ё Доро билан Қайса-
рни ўлдириб, Кунботирнинг ўчини оламан, ё шу урушда ўламан. Аҳмоқ
бўлиб, элчи юбориб юрмасин! Мен Турон мамлакатимни,
эли-халқимни унга бермайман, бўйсунмайман! Менинг сў-
зимни подшоларингга тайинлаб айтинглар, тағи армонда

қолмасин,— деб элчиларга жавоб берди. Элчилар жўна-
б кетди.

Булар кетгандан кейин Ойсулув подшо узоқ-яқинга, жа-
ми аскарига: «Отлансан»,— деб хабар қилди; полвонлари-
ни, шакаман мерғанларини, отли-яёв аскарини жамлаб,
озиқ-овқатини ғамлаб, ўзи ҳам отланиб, лашкарига бош
бўлиб, излагани савашиб бўлиб, Эронга қараб жўнаб кетди.
Булар кета берсин, энди гапни бошқа ёқдан эшитинг.

«Ойсулувнинг ўғли Кунботир Дорога банди бўлган
эмиси. Доро уни зинданга соглан эмиш. Энасининг сулув
деб таърифи кетган эди, ўғлининг сулувлиги энасидан ҳам
ортиқ эмиш»,— деб овоза бўлди. Бу гап Паҳлавон Қайса-
рнинг қизи — Офтобойнинг ҳам қулоғига етди. Офтобой бир
кўрмоққа ишқивоз бўлиб ётди. Зинданга борайин деса,
отасидан қўрқади, бормайин деса, ишқивозлик қўймайди,
Канизлари билан сухбат қуриб ўтириб эди, қизлар: «Сен
сулувми, мен сулув?» деб талашиб қолди. Бирори айтди
«Қанча сулув бўлганда ҳам, Ойсулувча бўлмайсан, зиндан-
да ётган ўғлига тенг келмайсан»,— деди. Шунда Офтобой:
«Бу гап қуладай келди»,— деб Ойсулувни ким қурибди, Кун-
ботирни ким қурибди! Улардан ҳам мен сулув,— деди. Қиз-
лар айтди:— Офтобой тўғри айтади, жавоб берса, бориб
қуриб келайик.

Офтобой ўзига яқин кўрган икки канизини:— Бориб, қў-
риб келинглар,— деб буюрди. Каниз қизлар зинданга бориб
қараса, зинданда бир йигит: синли-симбатли, қадди-қомат-
ли, Юсуф талъатли, Рустам сифатли олп бир йигит ухлаб
ётибди. Канизлар буни қуриб: «Шундай эринг бўлса, бош-
қаси садақаи саринг бўлса, ҳеч бўлмаганда, ваъдалашиб
қўйган ёринг бўлса»,— деб чопганча Офтобойнинг олдига
борди, кўрганини айтди:

— Ў, бувишим! Олллиги Рустамдан ҳам зиёд, сулувли-
ги сиздан ҳам зиёд, синли-симбатли, Юсуф талъатли йигит
экан, одамлар айтганча бор экан, зинданнинг ицида ухлаб
ётибди,— деди.

Офтобой буни эшитиб, Кунботирга ғойибона кўнгил-
қўйиб:— Эса, мен ҳам бориб қуриб келайн, айтганларинг
ростми экан, ёлғонми экан,— деб беш-олти олмани қўйнига
солиб, киссасига танга-тилла тўлдириб, зинданга қараб
кела берди. Зинданнинг теварагида ётган қоровулларга
танга-тиллаларни бориб айтди:— Сизлар ҳу анови ерга бо-
риб туринглар, мен зинданда ётганларни томоша қилиб
қайтаман.

Қоровуллар узаб-узаб кетди. Офтобой зинданнинг боши-
га етди, Қараса, Кунботир ҳали ҳам ухлаб ётибди. Зихнини

кўйиб қаради, кўзига канизларнинг айғанидан ҳам зиёд кўринди. Шу ерда Кунботирга ошиқ бўлиб, нима қиларини билмай қараб қолди. Қўйнидаги олма эсига тушиб, бир олмани Кунботирга отди. Олма теккандан Кунботир сесканиб уйғонди. Офтобой таги бир олмани отди. Кунботир кўзини очиб юқори қаради. Қараса бўй етган, баркамол, ойжамол бир қиз зинданнинг бошида Кунботирга олма отиб турибди, ишқивоз одамдай қоши кўзини ўйнатиб турибди. Кунботир бу қизнинг ким эканини билмади, тунов кунги мастанларданми деб, кўзга илмади, гап қотмади, олмасини ҳам олмади. Шунда Офтобой кўнглида айтди: «Бу йигит ё бизни кўзга илмади, ўзига тенг кўрмади, ё отамнинг ҳийла билан банди қилгани эсига тушиб, «Бу ҳам бир шумликни ўйлаб келган», деб мени душман билаётir. Ман бунга сиримни айтмайин, айтган билан икки бошдан инонмайди, ҳозир қайтайин, кунда бир келиб кетайин, ҳолидан хабар олайнин, сўнг ўрганишиб қолар, ўзи ҳам кўнгил қўяр», — деб таги икки-уч олмани отиб, кулимсираб боқиб, ҳеч сўз қотмай ўрдасига қайтди. Бир соатдан кейин канизлар бир қўйни ҳайдаб келиб зинданга ташлаб кетди.

Кунботир буни кўриб, айёрликка ҳам жўярини билмади, ишқивозликка ҳам жўярини билмади, олмасини ҳам емади, қўйини ҳам емади. Оқшом ётди, эрта-мертан тонг отди. Кунботир олмаларни ўйнаб: «Бу нима деган сир бўлди», деб не гапларни ўйлаб, хаёли қочиб, энасидан, эли юритидан айрилиб, қанотидан қайрилиб қолганига ичи ачиб ўтириб эди, Офтобой суқсурдай бўлиб, тараққос бойлаб, зинданнинг бошига келиб қолди. Кунботир қараса, кечаги қиз келиб турибди. Кунботир олмаларнинг бировини отди. Офтобой олмани ушлаб олиб, Кунботирга кулимсиб қараб айтди:

— Ботир! Олмаларни нимага емадингиз, қўйни нимага емадингиз? Сиҳр-жоду қилган деган чиқарсиз. «Илон чаққан, ола арқондан қўрқади», деган гап бор. Асқар тоғнинг ғорида ҳийла билан сизни банди қилган мастанлардан қўрқиб қолгансиз-да! Сизга зулм қилмоққа Эроннинг мендан бошқа мастани йўқми? — деди.

Кунботир бу қизнинг меҳрибонлик қилаётганини бўлиб, бу ҳам қизга кўнгил қўйиб, миннатдор бўлиб: — Ойим, мендан шундай-шундай ҳабар олиб туринг, омон-эсон зиндан чиқсан, асло унутмасман, — деди. Офтобой зинданнинг бошида узоқ гаплашиб турмоққа отасидан хавотир олиб, қўрқиб, Кунботир билан хўшлашиб, қайтди.

Кунботирнинг кўнгли ўсиб, қўйни сўйиб, еб ўтириди. Офтобой кунда тонг вақти зинданнинг бошига келиб, Кунботирга овқат, қанча нозу неъмат ташлаб, иккови гаплашиб,

ҳол-аҳвол сўрашиб, келиб-кетиб турди. Кунботир билди бу қиз Эроннинг лашкарбошиси Паҳлавон Қайсарнинг кўрар қўзи, сўйлар сўзи, ёлғизгина бир қизи — шул Офтобойнинг ўзи экан.

Кунлардан бир кун Офтобой зинданнинг бошига келгандан Кунботир айтди: — Энам Ойсулув подшо менинг тирик эканимни ҳам билмайди, ўлган эканимни ҳам билмайди, менинг дарди фироқимда энам ўйрликнинг ҳоли нима кечди, мен билмайман. «От босмаганин той боссин», — деб юрган шўрли, қулунидан айрилиб, юраги тойрилиб, менинг доғима куйиб, сочини юлиб юргандир. Менинг хабаримни энамга етказсанг, шўрлик менинг зинданда тирик ётганини билса, қўшин тортиб келиб, мени зиндандан, Доро подшонинг қўлидан қутқазиб олувга ярар эди, — деди.

Офтобой айтди: — Тўрам! Сизнинг зинданда тирик хабарингизни энангиз билади. Доро подшо билан менинг отам энангизга элчи юборган экан: «Ойсулув подшо Эронга бўйсунсин, бизга тобе бўлсин, агар бунга кўнмаса, лашкар билан борамиз, юртини оламиз, шаҳарини вайрон қиласмиз», — деб нома ёзган экан. Қеча элчилар қайтиб келди. Ойсулув подшо айтибди: «Доро подшо аҳмоқ бўлмасин, мени аёл деб наҳ урмасин. Мен урушмоққа тараффуд қилиб турибман, Доро подшо билан уруш қиласман, ё енгиг ўғлимни айриб оламан, ё шул урушда ўласман, юртимни бермайман, Дорога қул бўлмайман», — дебди. Бугун отам лашкарни тўплаётir. Қўйнқофнинг девларини Асқартоғига қараб ҳайдаётir. Оқшоми билан ўзи ҳам жўнаб кетмоқчи, — деди.

Кунботир бу гапни эшишиб, димоги чоғ бўлиб, зиндан чиқмаса ҳам, чиқандай бўлиб қолди. Офтобойга айтди: — Эй, Офтобой! Бугун сен менга яхши хабар топиб келдинг, энам келмаса ҳам келгандай, келиб мени кўргандай, зиндан чиқариб олгандай бўлди. Отанг мени банди қилганда менинг тулпор отимни, ёв-яроғ асбобимни ўлжанинг боши деб, мендан аввал, Доро подшога совфа-салом қилиб юборган экан. Шул отим, ёв-яроғим бор чиқар. Шундан бир хабар олмоқнинг пайида бўлсанг, билса, Доронинг саройидаги одамлар билади, — деди.

Офтобой айтди: — Тўрам! Тулпордан, яроғ-аслача анжомдан ғам еманг, кунда бир қўй, икки қўйдан кам еманг. Минадиган тулпор отингизни, ёв-яроғ асбобингизни — барини Доро подшо менинг отама берган. Тулпорингиз отамнинг ичкари табласида, ўзининг фазога минадиган отлари турадиган табладан ҳам мустаҳкам жойда, мен ўзим хабар олиб, саисланда ~~тантасидан~~ борни ~~бонг~~ соқтириб юрибман, — деди, — энди турам ~~окшом~~ олам лашкарига бос бўлиб

урунга жўнайди. У кетгани сўнг, мен сизни зиндоидан чиқарб олсам, менга нима берасиз?

Кунботир:— Зиндоидан омои-зенон чиқсанам, ҳар нима десанг берайин, яхшилигинги унутмайман, энамнинг хаэйвасида борини сўрасанг ҳам берайин,— деди.

Офтобой айтди:— Хазина-дафина менинг ўзимда фарови, отамининг топгани бари менини. Мен ташга-тиллага муҳтож эмасман. Менга бир сизининг ўзингиз керак. Зиндоидан чиққандан кейин мени олсангиз, Ойсулов эйлангизнинг қошига олиб борсангиз бўлди. Менинг сиздан тилагим шу,— деди.

— Агар сен менга тегсанг, мен ҳам сени олайнин. Шу ерда аҳду паймон қиласин, сенинг билан давр-даврон сурайнин, мени «бевафолик қиласи», деб ғам емагин,— деди Кунботир.

Шу кун иккovi ваъдалашив, Офтобойнинг Кунботирдан ўнгли тўлиб, ўрдасига қайтди.

Оқшом. Паҳлавон Қайсар Эроининг лашкарига бош бўлиб, чўл лашкарга тўлиб, машъал ёқиб, карнай-сурнай тортиб, жўнаб кетди.

Булар кетган сўнг Офтобой Кунботирнинг тулпорини, эгар-абзалини, ёв-ярогини олиб, ўзининг сайрибоғ қилиб ўйнаб келадиган гулшан bogигa жўнатди. «Гулшанбогда эҳтиёт қилиб боқиб туринглар»,— деб сайисларига тайинлади. Оқшом ётди, эрта-мертсан тоғнотди. Офтобой таги зиндоининг бошига келиб, тўраси билан ҳол-аҳвол сўрашиб, айтди:— Оқшом отам жўнаб кетди. Мен сизнинг отингиз билан, ёв-ярогингизни Гулшанбог холи деб Гулшанчорборима сайислардан бериб юбордим. Бугун оқшом сизни зиндоилан чиқарсанам, Гулшанбоққа олиб борсанам. Оқшом кунботиб, қоронги-гавгум бўлгандан зиндоинга бир арқон тушираман, арқонни белингизга бойланг, мен канизларим билан тортиб оламан,— деди. Кунботир ўйлади: «Мени бу тортиб олса, бир кунлари аччиғлашиб қолганда, ё ботирликдан тап-сўз бўлганда: «Сен зиндоонда ўлиб кетган одам эдинг, сени зиндоондан мен тортиб олганман»,— дер, бетима айтмаганди, ичиди айттар. Кел, мени бул тортиб олмасин,— деб шу гапни ўзига маъқул қилиб айтди:— Мени тортиб олмоққа сен билан канизларининг кучи етмас, мен сен айтган ёнгил одамлардан эмасман. Энамнинг Ҳиндистон подшоси совға-саломга юборган филини миниб, урушга кириб, аччиғим билан бир-икки тебранганимда филининг бели синиб кетиб эди. Девни олиб келганингда ҳам мени тортиб омолмас. Сенинг арқонларинг ҳам менга дош бермас. Мени ториса, миниб юрган тулпорим тортади, бошқа жонзод тор-

та олмайди. Мен ҳар кун сен ташлаган қўйпаришинг, ташларининг ичагидан, бир кун керак бўлар, деб арқон эшиб қўйибман. Мен сенга бир тутатқи берсам, олиб бориб тулпорим ётган таблада тутатсанг, сўнг тулпорни бўшатсанг, тулпор, менинг исимни олиб, зиндоининг бошига келади; мени шу от тортиб олади,— деди.

Офтобойга бу маслаҳат маъқул тушиб:— Эса, ташланг тутатқини,— деди. Кунботир баридан бир озгинани юлиб, бир қуруқ иликнинг ичига тиқиб отди, зиндоининг бошига келиб тушди. Офтобой тутатқини олиб, Гулшанбогнинг ўзини, ишонини тайинлаб, жўнаб кетди, ўрдасига етди. Саҳар вақти эли, қирқин қизларини, канизларини олиб Гулшанбоққа борди. Сайисларини чақириб:— Мен қирқин қизим билан Гулшанбогда сайирбог қиласман, отам кел, гунача шу ерда тураман, банди йигитининг отини қизлар боқиб туради, сизлар отамининг ўрдадаги отларини боқинглар, мендан бежавоб ҳеч ерга чиқманглар!— деб ўрдага жўнатди.

Сайислар узаб кетди, балки ўрдага ҳам етди. Офтобой таблага кирса, тўрасининг оти сағриси тошиб, ёли қулоғидан ошиб, ўйнаб турлиди. Олмос қилич билан отнинг тушовини кесди. Кунботирнинг тутатқисини тутатди. Тулпор жонивор Кунботирнинг исими олиб, гуруллаб кишиаб юборди. Офтобой боғнинг дарвозаларини очтириди, от кишиаб дарвозадан чиқиб кетди; тўғри келиб зиндоининг бошига етди. Кунботирни зиндоонда қўриб, кўзидан ёши оқиб, одамдай йиғлаб, зиндоининг бошида тиз чўкиб. Кунботирга қараб бўйини солиб турди.

Кунботир ичакдан эшилган қирқ қулоқ арқонни қўриқ қилиб отди, қўриғи тулпорининг бўйнига тушди. От жонивор иргиб ўрнидан турди, бурнилаб торта берди. Бир вақт арқон бўшаб қолди. «Таги тушиб кетдими?»,— деб орқасига қара са, Кунботир зиндоининг бошида турлиди. От чопиб ёнинга келди. Кунботир отнинг бўйиндан бақан арқончи олиб отига минди, Офтобой тайишлаган йўлга отнинг бошини бурди, от жонивор йўлга кириб чопиб кетди, тўғри Гулшанбоққа етди.

Гулшанбогда Офтобойнинг канизларин англиб туриб эди. Кунботирнинг келганини қўриб, бир хили югуриб келиб бўтирини отдан тушириб олди, бир хили югуриб бориб Офтобойга хабар берди.

Офтобой ўзига оро-торо бериб, тўрасига муштоқ бўлиб ўтириб эди. Бу хабарни эшишиб, қирқин қизи билан, қанча жоду кўзи билан Кунботирнинг олдига пешвоз чиқиб, аввал Офтобой қўришиб-сўрашиб, сўнг қирқин қизларини бирни-

кетин Кунботир билан кўришиб, ҳолу ахвол сўрашиб, Офтобой ўтирадиган уйга олиб борди. Қизлар — канизлар югуриб қилди хизматди, қилди зиёфатди.

Кунботир Офтобой билан бўлиб, кунда базм суҳбат қўриб, тонглар ота берди, кунлар бота берди. Бир кунлари ботир ўйлаб, ҳисоблаб қараса, орадан бир ҳафта ўтибди. Офтобойга айтди:— Мен бундай ётган билан ҳеч иш битмас, бунинг кетидан яхши гап чиқмас. Доро подишо хабар топса, мени-ку иккибошдан дорга тортади, сени ҳам қўймас. «Яхши иш қилибсанлар»,— деб қудагай қўй сўймас. Мени деб, сенекорга ўлиб кетма. Сени деб, мен ҳам айшиншрат қилиб ёта бермайин. Менга жавоб берсанг, элима қайтайин, энам билан бирга урушга кирайин. Доро подишонинг лашкарини қириб-жўйиб, қочганини олдимга солиб қувиб, Эронга қириб келайин, Доро подишониг тахтини вайрон қилайин, энамнинг сутини, эли-юртимнинг тузини ҳақлаб, сўнг сенинг тўй-томоша қилиб олайин,— деди.

Офтобой хаёлга ботди, хўп ўйлаб қўриб тўрасининг ганини маъқул топди. «Мен жавоб бермаганда қўлимдан нишма келади, жавоб берсам ҳам, бермасам ҳам кетади»,— деб жавоб берди. Айтди:— Э, тўрам, энди мен сизга жавоб бердим, ваъдангизни унутмасангиз, менга шу бўлади. Энди сиз кетасиз, Асқартогига етасиз. Отамнинг лашкари кўп, қирқ минг деви ҳам бор, девларга эҳтиёт бўлинг,— деб тўрасининг ёв-яроғини сандикдан олиб берди, бош-оёқ сарпо кийгизди. Тўрасини отлантириб хўшлишиб айтди:— Тўрам, сиз мана бу тўрги йўл билан борсангиз, Эрон лашкарининг орқасидан бориб, тулоқснидан душманга аралашиб, Ойсулув подишонинг лашкарини қўролмай ўралаб қолариз. Мания — кунчиқар бет билан юреангиз, бу йўл Балқиён боради. Бир ойлик ерда бир чорраҳа бор эмиш, чап тарафдаги йўлга бурилиб борган одам Асқартогининг муюшидан чиқар эмиш. Мени десангиз, шу йўл билан кетинг, сафарингиз бехатар бўлсин, ҳар ерда сизга зафар ёр бўлсин!— деб фотиҳа бериб хўшлишиб жўнатди.

Кунботир димоги чоғ бўлиб, кўнгли тоғ бўлиб, ўзи қалондимоғ бўлиб тулпорни саваб, Балқиён йўлнга тушиб кетди. Энди гапни бошқа ёқдан эшитинг.

Ойсулув подио уч ой тинмай йўл тортиб, Тажан дарёсиги бўйлаб қўр тўкиб ётиб эди. Бир кунлари Паҳлавон Қайсар Асқартогига етиб борди. Лашкари билан тогнинг этағига қўниб, тогнинг бошига одам чиқариб, Ойсулув подишонинг Тажан дарёсиги бўйлаб қўниб ётган хабарини билди. Ойсулувнинг ҳам ангиб юрган қоровуллари Эрондан келган лашкарни қўриб, подишонига хабар етказди.

Ойсулув эркақ либосини кийиб, олмос қўличини, қўзактери қалқонини қўлига олиб, қўшини отлантириб, карнайдурнай тортириб, Асқартогига қараб кела берди. Буни қўриб Паҳлавон Қайсар девларни олдига солиб, лак-лак лашкарини девларнинг орқасидан юргизиб, Асқартогини ошиб, бу ҳам эниб тушиб келди. Қирқ минг девни қўриб, Ойсулув подишонинг аскарлари қўрқди. Аскарларнинг оёғи оғир ошгандан Ойсулув аскарнинг девлардан қўрққаннини билиб:— Одам девдан қўрқами? Деви билан мен олишайин, аскари билан сиз,— деб шакаман мерганларини илгари солиб, уларга далда бериб, девларга қараб от қўйди. Икки орада дара-дарада бир уруш бўлди. Ҳеч ерда бўлмаган суриш бўлди. Ойсулув тулпорига қамчи босиб, тўда-тўда девга югради, етгандан икки бўлади, тўп-тўп қилиб олдинга солиб қувади. Девнициг Ойсулувига баробар келмаганини қўриб, мерганлар ҳам чекка-чеккадан от солиб, қириб турибди, девлар ямашиб келиб турибди.

Ойсулув билан мерганлар девлар билан урушиб, сурушиб юриб эди, буни Паҳлавон Қайсар қўриб юриб эди. Қараса, бир олп йигит тўда-тўда девни олдига солиб қувади, етганини қилич билан солади. Лекин девлар тағи ямашиб келади. Туроннинг аскарига қарайди, аскарнинг ичидада бунига ўҳшаган олп бир одам қўринмайди. «Девнинг ичидада қилич силтиб юрган олп йигит душманнинг лашкарбошиси — каттаси шул, қўшии ҳозир бе эга»,— деб Паҳлавон Қайсар лашкари билан Ойсулувнинг қўшинига ўзини урди. Одамлар урушинаг қизигини энди қўрди.

Девнинг ичидада юриб, Ойсулув ўзининг лашкарига қаради. Олами тўзон босибди. Паҳлавон Қайсар лашкар билан урушга кириб кетибди. Ойсулувнинг отлиқ аскарлари қайтмай урушиб, гоҳ у қувиб, гоҳ бу қувиб турибди. Лекин пиёда аскарлари аста-аста кейин ташлаётир, бир хиллари балки қоча бошлаётир. Ойсулув девларнинг орасини ёриб чиқди, кўринган мерганга айтди:— Сизлар бориб пиёда аскарни қайгариб, урушга солинглар, дев билан овора бўлиб, енгилиб қолмайиқ, мен Паҳлавон Қайсар билан бўлайин,— деб мерганларни жўнатиб, ўзи Паҳлавон Қайсарнинг устига от солиб кетди.

Мерганлар пиёда аскарни бошлаб, булар ҳам урушга кирди. Уруш қизиб кетди, девлар бир фасл тинч нафас олиб, улар ҳам ҳужум қилиб келаберди. Шу орада кўп майдонлар бўшаб, қон Тажан дарёга қараб оқиб, дарёнинг суви қип-қизил қон бўлиб, ботирлар қиличин қон билан ювиб ўлик-ўликка айқашиб, майдон излаб юрганлар хумордан тарқашиб юриб эди. Кунботир Асқартогининг муюшидан

чиқиб желди. Урушининг қизиганяни ҳўриб, от кўйинб келаётди. Қараса, икки орада қаттиқ уруш булаёттир. Иўлда девларнинг ўлиги ётири, лак-лак дев елиб-югуриб, Ойсулувнинг қўшинига тараф бўлиб бораёттир.

Кунботир девларнинг орқасидан қувиб етди, бир чеккадан қириб кетди. Девлар буни қўриб: «Бу бало қайдан келаши, боя биз билан урушган ботирга ўхшамайди, бу ёмон бўлди, буни омон қўймайик»,— деб Кунботирни ўраб олди. Кунботир тулипориқ қистаб, олмос қиличини сизтаб, қувиб етганини, яқин келганини тўда-тўдаси билан бўлиб, кесиб-қириб ташлади. Қўни ўлди, ози қолди. Қолгани Кунботирдан қўрқиб, тоққа қараб қочди. Девларни қочириб, отдан тушиб, отининг айил-пуштанини маҳкам тортиб, отига миниб, Паҳлавон Қайсарни пзлаб, қўшинига қараб қириб келаберди, бир чеккадан бу ҳам қўшилпиб қираберди. Шунда Ойсулув қараса, девлар қочиб бораёттир. Паҳлавон Қайсарнинг қўшинига бир олп йигит ўзини уриб оч бўридай дориб бораёттир. Буни қўриб Ойсулув подшо таги хурушга қириб, қайтмай, қилич солиб бора берди, қиличига йўлиққанни икки бўлиб, олдини очиб, Паҳлавон Қайсарга яқинлаш берди. Қайсар қараса, бир чеккадан бир ботир қириб-жўйиб келаёттир. Девлар озайиб қолибди, улар ҳам қочиб бораёттир, Туроннинг лашкарига бош бўлиб юрган олп йигит тўдани тўзитиб, Қайсарга яқинлаш келаёттир. Қайсар буни қўриб, турмоқдан қочмоқни қулай билиб, отининг бошини буриб, орқадаги одамларни урушига ҳайдаган кини бўлиб, аста-секин қоча бошилади. Ойсулув буни фаҳмлаб, изидан қувиб тушди. Қайсар қўшинидан чиқмай етиб борди. Иккочи шул орада олишиб, бир-бираига қиличи солишниб қолди. Ойсулув қулашни топиб, бир қилич солдай. Қайсарнинг калласи учиб, танаен зинкайиб, отдан думалаб қоади. Бу ўзғеани қўриб, Қайсарнинг қўшини бирин-кетин урушдан ниқиб қочди. Бир хили урушдан чиқсанча, оти плдами Аскартогининг белидан очди.

Ойсулув отининг бошини тортиб қараб турди. Аскарла-ри Қайсарнинг қолгани одамларни қувиб келаёттир. Қўшинида кўрниган — Эрон подшоларининг кийимини кийинган йигит қириб келаёттир. Бу икки олп бири ўнгдан, бири сўлдан, мерғанлар орқасан айқириб-ҳайқириб қувиб, булар ҳам тоққа ўрлаб кетди. Аскартогининг белига боргандада бу икки оли бирор-бировинга яқинлаш етди. Кунботир отдан тушиб:— Эна, ҳормант! — деди. Ойсулув ўғлини таниб юраги ёрнлугдай бўлиб, қулоч ёйиб Кунботир ҳам югуриб бориб, энасиншиг қучотига ўзини отиб, эна-бола топишниб, физ-бурун ўлишиб қолди. Кунботирнинг хабари жами

лашкарнига етиб, барид ўз ўғлини қўргандай бўлиб йигилиб келди. Булар ўлжаларини йириб, тоғдац ошиб, Эрон бетига тушид, дам олиб ётди.

Бир-икки оқшом шу ерда ётиб, ўлжаларни Аскартогининг ғорига жойлатиб, беш юз қоровулни қўйиб, Ойсулув билан Кунботир лашкарга бош бўлиб, қочган лашкарнинг кейнидан қувиб Эронга борди.

Буларнинг қувиб келаётганини Эроннинг лашкарлари билиб, ҳар қаиси чекка-чеккага қочиб, ҳар ким ўз бошини олиб ҳар қаёққа кетди. Ойсулув билан Кунботир Доронинг шаҳрига қириб борди. Доро буни эштиб, саройдан чиқиб, бошпанасини қилиб қочди. Доронинг қочган хабари Кунботирга етишди. Энасидан жавоб олиб, қувиб изидан тушди. Шаҳардан чиқмай Дорога етишди; олмос қилич билан Доронинг калласини олиб, энасиншиг қошига етди. Эрон одамлари буни қўриб, барид: — Омон-омон,— деб Эрон Ойсулув подшога тобе бўлди. Эли-юртда тинчлик бўлиб, омон-омонлик бўлди.

Офтобой қирқин қизи билан, қанча жоду қўзи билан, ширин сўзи билан, каниз қизлари билан келиб, Ойсулув подшо билан Кунботирни кўрди.— Зафарингиз қутлуғ бўлсин! — деб муборакбодлик қилиди. Ойсулув подшо элга жар солдириб, қирқ кеча-кундуз тўй-томоша қилдириб, элни ўйқудан қўйдириб, Офтобойни Кунботирга никоҳ қилиб берди. Эна-бола мурод-мақсадига етди.